

Ҳ У К М  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2019 йил 4 июль куни жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Бўка туман суди, Бўка тумани, "...” МФЙ. биносида очик, сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи: И.А.Турсунов,

судья ёрдамчиси Д.Расулованинг котиблигида, тарафлардан Тошкент вилояти Бўка туман прокурорининг ёрдамчиси Ж.Нишонунинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан айбланувчи:

Д.Х.Б. (Ж.Х.В.), 19... йил 5 июнда Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Бўка тумани, "...” МФЙ., ... кўчаси, 22-уйда яшовчи, эҳтиёт чораси тарқасида “Гаров” қўлланилганга

нисбатан айблаш ҳақидаги 1-1105-1901/68-сонли жиноят иши кўриб чиқди.

Суд, судланувчи ва гувоҳлар кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов жараёнида тўпланган далилларни кўздан кечириб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни муҳокама қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2019 йилнинг 13 май куни Бўка тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган “Қорадори-2019” тадбири давомида, Д.Х.Б.ни Бўка тумани, ... МФЙ, ... кўчаси 22-хонадони ҳолислар иштирокида кўздан кечирилган вақтда, уни яшаш хонадони томорқасига экилган гуллар орасида беш туп кўкнор гиёҳвандлик ўсимлигини тағларига ишлов берилиб, алоҳида парваришланган ҳолда ўсиб турганлиги аниқланиб, ҳолислар иштирокида далилий ашё тариқасида расмийлаштирилиб олинган.

Судга оид кимёвий экспертизасининг 2019 йил 14 майдаги кимёвий экспертизасининг №24-сонли хулосасига кўра, Д.Х.Б.га тегишли бўлган яшаш хонадони том орқасидан аниқланган ва далилий ашё сифатида олинган 5 туп оч яшил рангли, марказий ўзаклари ва илдизлари билан бўлган ўсимлик туплари кўкнор ўсимлигининг тағлари ҳисобланиши ва уларнинг таркибида гиёҳвандлик моддаси мавжуд эмаслиги, 5 туп ўсимлик тупларида мавжуд бўлган 5 дона ўсимлик кўсаклари “кўкнор” ўсимлиги кўсаклари бўлиб, уларнинг таркибида опий гуруҳи алколоидлари, яъни морфий, кодеин ва тебаин гиёҳвандлик моддалари мавжудлиги кўрсатилган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Д.Х.Б. эълон қилинган айбга тўлиқ иқроор бўлиб қуйидагиларни, яъни 2018 йил куз ойларида яшаш хонадони томорқасига бир неча хил гул уруғларини яъни атиргул, итоғиз каби гулларни навларини сепиб, экканлигини, 2019 йил баҳор

ойларида томорқага сепган гул уруғлари ўсиб чиқганлигини, ушбу гул уруғлари ўсиб чиқиб, гуллаган вақтида улар орасида яшил рангли ўсимлик ҳам ўсганлигини кўрганлигини. У бу орада Тошкент шаҳрига қизини уйига бориб, у ерда маълум вақт бўлиб, уйга қайтиб келганлигини, томорқага эккан гуллар гулини тўкганлигини кўрганлигини ва улар орасида бир неча туп яшил рангли кўкнор ўсимлигига ўхшаш ўсимлигини ҳам ўсиб чиққанлигини. 2019 йил 13 май куни яшаш хонадони тепасидан верталёт учиб юрганлигини кўриб, ушбу верталёт нима сабабдан учиб юрганлигини билиш мақсадида томорқани айланиб кўрган вақтида у ерда ўсиб турган атиргуллар орасида кўкнор гиёҳвандлик ўсимлигини ҳам ўсиб турганлигини ва кўсак ҳосил қилганини кўрганлигини. Шундан сўнг орадан маълум вақт ўтиб, яшаш хонадонига бир неча хизмат кийимида бўлган ички ишлар органлари ходимлари кириб келишиб, ўзларини таништиришиб, яшаш хонадонини кўздан кечиришларини айтишиб, икки нафар ҳолис иштирокида яшаш хонадонига киришганлигини ва яшаш хонадони томорқасида ўсиб турган атиргуллар орасида ўсиб турган бир неча туп кўкнор ўсимлигини аниқлаб ҳужжатлаштириб олишганлигини. Ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини, бу ҳолатни бошқа такрорламаслигини, оилавий шароитини, ёшини, аёллигини, муқаддам судланмаганлигини инобатга олиб, унга нисбатан енгилроқ жазо тайинлашни сўраб, кўрсатма берди.

Судланувчи Д.Х.Б.нинг айби, унинг ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатмаларидан ташқари, жиноят тавсилотларини батафсил ёритиб берган гувоҳларнинг кўрсатмалари билан ҳам тўлиқ тасдиқланган.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Р.Разақов қўйидагиларни, яъни у 2019 йил 13 май куни соат 14:30 ларда яшаш хонадони тепасидан верталёт учиб, маълум вақт хонадони тепасида пастлаб учганлигини, у верталётни нима сабабдан учаётганлигини билмаганлигини ва уй ичкарасига кириб телевизор кўраётган вақтида яшаш хонадонига ўзини туман ИИБ ходими эканлигини айтиб таништирган ходим, кўшниси Джуманова Хақиманинг яшаш хонадонидан тақиқланган экин аниқланганлигини, бу ҳолатда ҳолис тариқасида иштирок этишини сўраганлигини. Шундан сўнг у кўшниси Д.Х.Б.нинг яшаш хонадонига борган вақтида, у ерда яшаш хонадони томорқасидан ўсиб чиққан атиргуллар орасидан беш туп кўкнор ўсимлигини туман ИИБ ходимлари юлишиб, томорқа четига йиғиб кўйишганлигини, сўнг гиёҳванд моддани ҳужжатлаштириб олишганлигини айтиб, кўрсатма берган.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган М.Раимова гувоҳ Р.Разақовнинг кўрсатмасига ўхшаш кўрсатма берди.

Судланувчи Д.Х.Б.нинг содир этган жиноятдаги айби гувоҳларнинг берган кўрсатмаларидан ташқари ходиса содир бўлган жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова фотожадвал (и.в.5-9), судга оид кимёвий экспертизасининг 2019 йил 14 майдаги 24-сонли хулосаси (и.в.18), Бўка тумани қишлоқ хўжалиги бўлими ШБ мутахасиси А.Ҳамидов томонидан

берилган маълумотнома (и.в.20) ва жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланади.

Суд, судланувчи Д.Х.Б.нинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан тақиқланган экинларни, яъни кўкнор ўсимлиги қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштиришда ифодаланган жиноят аломатлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида “судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик инсонпарварлик одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим”лиги, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги 7-сонли “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 28-бандида “Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлиги, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлиги ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозим”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, юқоридаги қонун ва Пленум қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 54, 55, 56-моддалари талабларига риоя қилиб, судланувчи Д.Х.Б.га жазо тури ва меъёрини тайинлашда содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларини, айбига тўлиқ иқрорлигини, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, ёшини, аёллигини эътиборга олиб, унга айбдор деб топилаётган модда санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан, жиноят иши бўйича далилий ашё сифатида олинган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ далилий ашёларни сақлаш хонасида сақланаётган 5 туп кўкнор ўсимлигини йўқ қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 13, 211, 454-457, 462, 463, 465-468 ва 471-474-моддаларига мувофиқ, суд

## ҲУКМ ҚИЛДИ:

Д.Х.Б. (Ж.Х.В.) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилсин ва унга шу модда билан 1 (бир) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Озодликни чеклаш жазоси Д.Х.Б.нинг яшаш манзили бўйича Тошкент вилояти, Бўка тумани, “...” МФЙ., ... кўчаси 22-уйда сутканинг соат 22:00 дан 6:00 га қадар ўташ белгилансин ва мазкур вақтлар оралиғида яшаш жойидан чиқиши чеклансин.

Д.Х.Б.нинг зиммасига:

- алкоголи ичимликлар истеъмол қиладиган ва кўнгилочар жойларга, жумладан, кафе, бар, ресторан, тунги клуб, тавакалчиликка асосланган бошқа ўйингоҳларга бормаслик;

- оммавий тадбирларда, яъни байрам сайллари, намойишлар, митингларда иштирок этмаслик;

- жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар билан алоқа ўрнатмаслик ва яқин муносабатда бўлмаслик;

- алкогольли ичимликлар истеъмол қилмаслик;

- маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз, яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби чеклашлар юклансин.

Жазони ижро этиш Тошкент вилояти Бўка туман ИИО Пробация бўлими томонидан амалга оширилсин.

Жазони ўташ муддати, маҳкум Пробация бўлимида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Д.Х.Б.га агар озодликдан чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиш мумкинлиги;

- озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан унинг зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириш мумкинлиги тушунтирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг Д.Х.Б.га нисбатан қўлланилган “Гаров” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Гаров тариқасида олинган 1.500.000 сўмга баҳоланган «Шиваки» русумли музлаткич, 3.000.000 сўмга баҳоланган «Артел» русумли телевизор гаровга қўювчи Д.Х.Б.га тилхат орқали қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Далилий ашё сифатида олинган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ далилий ашёларни сақлаш хонасида сақланаётган 5 туп кўкнор гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинсин.

Хукмдан норози тарафлар, ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ўн сутка муддат ўтгандан сўнг кассация тартибида протест ёки шикоятлар билан муружаат қилишга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

имзо

И.А.Турсунов

*Нусха аслига тўғри*